

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ТОШТЕМИРОВ САНЖАР ЖУМАНИЯЗОВИЧ

**ПАХТА ДАЛАЛАРИНИ ПУШТАГА ЭКИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АГРЕГАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Тоштемиров Санжар Жуманиязович

Пахта далаларини пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ва агрегатини ишлаб чиқиш..... 3

Тоштемиров Санжар Жуманиязович

Разработка технологии и агрегата для подготовки хлопковых полей к посеву на гребнях 19

Toshtemirov Sanjar Jumaniyazovich

Development of technology and aggregate for the preparation of cotton fields for planting on ridges..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ТОШТЕМИРОВ САНЖАР ЖУМАНИЯЗОВИЧ

**ПАХТА ДАЛАЛАРИНИ ПУШТАГА ЭКИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА АГРЕГАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Т617 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qmii.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Фармон Муртозевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худайров Бердирасул Мирзаевич
техника фанлари доктори, профессор

Абдурахмонов Ўрал Норматович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

“ВМКВ-Agromash” АЖ

Диссертация химояси Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «23» ОКТАБР соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.221-09-23, факс. 224-13-95, E-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz)

Диссертация билан Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.221-09-23, факс. 224-13-95, E-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «9» ОКТАБР куни тарқатилди.
(2020 йил «9» ОКТАБР даги № 1 рақамли реестр баённомаси).


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раисе ўринбосари, т.ф.д., профессор
И.Т.Эргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент
Д.Ш.Чуанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби ва илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент
З.Л.Батиров

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлаш машиналарини ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида қишлоқ хўжалик экинларини пушталадарда етиштириш учун тупроқни пушталаб экишга тайёрланадиган майдон 120 млн. гектарни ташкил этишини ҳисобга олсак»¹, тупроқни пушталади экишга тайёрлашнинг энергия-ресурстежамкор технологиялари, иш сифати ва иш унуми юқори бўлган техник воситаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу билан бирга даладан бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва уни пушталади экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни бажарадиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда далаларни пушталади экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техник воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда ғўзапоясиз пахта далаларини пушталади чигит экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш ва технологик иш жараёнини асослаш, иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан чап ва ўнг ағдаргичли қия тутқичли чуқур юмшаткичлар ва пушта олгич иш органлар кетма-кет алоҳида-алоҳида ўрнатилган ва юқори манёврли, осма комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, жумладан далаларни чигит экиш учун пушталади экишга тайёрлашда кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган.

¹ <http://www.nrcs.usda.gov>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан чигит экиш учун тупроққа сифатли ишлов берадиган ва пушта шакллантирадиган агрегатларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига пахтадан юқори ҳосил олиш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроққа ишлов бериш билан бирга экин экиш учун пушта шакллантирадиган машиналарни яратиш ва қўллаш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, иш органлари билан тупроқнинг ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича хорижда М.Hanna, D.Buhler, L.M.Duzy, A.J.Price, K.S.Balkcom, T.S. Kornecki (АҚШ), A.Giardini, F.Cinti, G.Stefanelli (Италия), J.Babik, J.M.Borin, L.Sartori (Полша), U.Krause, Heinz-Josef (Германия), Y.Lin, H.Hui (Хитой), В.И.Курдюмов, Е.С.Зыкин, И.А.Шаронов, А.Калинин, А.К.Поперекин, А.Г.Габдуллин, Р.Д.Джавадов, А.Г.Понамарев, Н.С.Кабаков, (Россия), А.А.Вильде (Латвия) ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Ушбу йўналиш бўйича Республикамиз олимлари Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Тўхтақўзиев, Н.А.Куламетов, Т.С.Худойбердиев, Ф.М.Маматов, Б.М.Худаяров, А.Н. Худоёров, А.Ҳ.Ражабов, М.Х.Мамадалиев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Бу тадқиқотлар натижасида яратилган технологиялар ва уларни амалга оширадиган комбинациялашган машиналар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда.

Аммо, бу тадқиқотларда тупроққа ишлов бериш билан бирга ғўзапоясиз пахта далаларида пушта шакллантирадиган агрегат иш органларининг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий тадқиқот режасининг ИТД-3-23 “Қишлоқ хўжалик экинларини пуштага экиш учун тупроқни тайёрлашнинг энергия-ресурстежамкор технологиялари ва комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш” (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзапоясиз пахта далаларини пуштали экишга сифатли тайёрлаш ва энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш учун тупроққа ишлов бериш билан бир вақтда пушта шакллантирадиган агрегатни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд тупроқни пуштали экишга тайёрлашнинг технологиялари ва техник воситаларининг агротехник иш кўрсаткичлари ва унумини ошириш, материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўллари излаш ва таҳлил

этиш, шу асосида ғўзапоясиз далаларда пушта шакллантиришнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш;

бир ўтишда ғўзапоясиз далаларда мавжуд пушталар ўрнида янги эгатлар, мавжуд эгатлар ўрнида янги пушталар шакллантиришни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

таклиф этилаётган комбинациялашган агрегат иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнини тадқиқ этиш ва шу асосда уларнинг параметрларини асослаш;

ишлаб чиқилган агрегатнинг дала синовлари натижалари бўйича белгиланган агротехника талаблари кўрсаткичларига мослигини таъминлаш;

ишлаб чиқилган агрегатнинг энергетик кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзапояси йиғиштириб олинган дала рельефи, тупроғининг физик-механик хоссалари, комбинациялашган агрегат ва унинг иш органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзапоясиз далаларга ишлов бериб пушта шакллантирадиган агрегат иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва уларни ифодалайдиган аналитик боғланишлар, агрегат агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг иш органлари параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (Тст 63.04.2001, Тст 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғўзапоясиз далаларни комбинациялашган агрегат ёрдамида бир ўтишда пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ғўзапоясиз далаларда мавжуд эгатлар ўрнида янги пушталар ва мавжуд пушталар ўрнида эса янги эгатлар шакллантирувчи агрегатнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

ғўзапоясиз далаларга ишлов берувчи агрегат иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодалайдиган аналитик боғланишлар асосида уларнинг мақбул параметрлари асосланган;

агрегатнинг агротехник ва энергетик кўрсаткичлари унинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини ифодаловчи боғлиқликлар асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир ўтишда ғўзапоясиз далаларни пуштага чигит экиш учун тупроқни тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат яратилган;

ишлаб чиқилган агрегат қўлланилганда ғўзапоясиз далаларни қисқа муддатда пуштада чигит экишга тайёрлаб, энергия-ресурс сарфларини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг

ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқилган агрегат дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилиб самарали натижалар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзапоясиз далаларда мавжуд эгатлар ўрнида янги пушталар ва мавжуд пушталар ўрнида янги эгатлар ҳосил қиладиган агрегат иш органларининг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланганлиги ҳамда назарий ва амалий тадқиқотларда олинган натижаларни бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган комбинациялашган агрегат билан тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга ва иш унумини оширишга эришилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзапоясиз далаларни бир ўтишда пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқиш ва унинг иш органлари параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

далаларни пуштали экишга тайёрлашнинг янги усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган («Қишлоқ хўжалик экинларини пушта ва жўяқларга экиш учун тупроқни тайёрлаш усули», № IAP 04832, 2014 й.). Натижада ғўзапоясиз пахта далаларини пуштали экишга тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлайдиган машинага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Уйғунлашган тупроққа ишлов бериш қуроли», №FAP 00672-2011 й.). Натижада бир ўтишда ғўзапоясиз далаларда мавжуд эгат ўрнида янги пушта, мавжуд пушта ўрнида эса янги эгат шакллантиришни амалга оширадиган агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

бир ўтишда ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлашда технологик жараёнлар бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга дастлабки талаблар ва агрегат конструкциясини лойиҳалашга техник топшириқ ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 02/023-21-сон маълумотномаси). Натижада ағдаргичлар билан жиҳозланган қия тутқичли чуқурюмшаткичлар ва пуштаолгичлардан ташкил топган осма ва юқори манёврли агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

бир ўтишда ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлаш учун ишлаб чиқилган агрегат Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги фермер хўжаликларида, жумладан Қашқадарё вилояти Касби

тумани «Холиқов Тўра Хосилот», «Абдусаттор бобо Беккиев», «Очилова Рушана Нурали кизи», Миришкор тумани «Зафарбек» фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 майдаги 02/023-21-сон маълумотномаси). Натижада ғўзапоясиз далаларни пуштага экишга тайёрлашда ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 2,79 марта ва фойдаланиш харажатлари 36,62 фоизга камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2009-2014 йилларда Республика «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» ярмаркасида намойиш этилган ва 2012 йилда ярмарка доирасида ўтказилган «Инновацион лойиҳалар» кўрик танловида I даражали диплом билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мазмуни бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога 1 та ва фойдали моделга 3 та патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Далаларни пуштали экишга тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида экинларни пуштага экиш учун тупроқни тайёрлаш технологиялари ва техник воситалари ҳамда тупроққа ағдармасдан ишлов берадиган чуқурюмшаткичлар бўйича илгари ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги даврда республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиб келинаётган ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлаш технологиялари бир қатор жиддий камчиликларга эга. Жумладан, мавжуд технология алоҳида-алоҳида агрегатлар билан амалга ошириладиган бир қатор агротехник тадбирлардан иборат бўлганлиги сабабли юқори даражада энергия

ва ресурс ҳажмдорлигига эга. Бу меҳнат унумини пасайишига, тупроқни ортиқча зичланишига ва уни жадал қуришига, тупроқни экишга тайёрлаш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб кетади.


Ўтказилган таҳлилларни кўрсатишича, далаларни пуштали экишга тайёрлашда тупроққа ишлов бериш сифатини ошириш ҳамда ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни камайтириш учун ғўзапоясиз далаларда мавжуд эгатлар ўрнида янги пушталар ва мавжуд пушталар ўрнида эса янги эгатлар шакллантиришни таъминловчи комбинациялашган агрегатни қўллаб эришиш мумкин. Шу боис мазкур иш ғўзапоясиз пахта далаларини пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ва агрегатини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Диссертациянинг «**Ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг параметрларини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобда комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг ишчи органлари параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида Ўзбекистон Республикасининг № IAP 04832 рақамли ихтирога ва № FAP 00672 рақамли фойдали моделга патентлари билан ҳимояланган тупроқни пуштали экишга тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган агрегатнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди.

Таклиф қилинган технология қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади (1-расм): мавжуд эгатнинг аввал ўнг пуштаси ён бағирлари тупроғи ва ариқнинг ўнг томони, яъни шакллантириладиган пуштанинг ўнг томони ости чизиқли 25-30 см чуқурликда юмшатилади, мавжуд пушта ярмининг 10-12 см қалинликдаги юқори қатлами чапга, яъни мавжуд эгат ўртасининг ўнг томонига ағдариш билан бирга пушта юқори қатлами ости юмшатилади (1а-расм). Сўнгра мавжуд эгатнинг чап пуштаси ён бағирлари тупроғи ва эгатнинг чап томони, яъни шакллантириладиган пуштанинг чап томони ости 25-30 см чуқурликда чизиқли чуқур юмшатилади, мавжуд чап пушта ярмининг 10-12 см қалинликдаги юқори қатлами ўнгга, яъни мавжуд эгат ўртасининг чап томонига ағдариш билан бирга чап пушта юқори қатлами ости юмшатилади (1б-расм). Ундан кейин мавжуд эгат чап ва ўнг пушталарининг юмшатиладиган пастги қатлами тупроқлари эгатга ағдарилган пушталарнинг юқори қатлами устига силжитилади ва эски эгат ўрнида янги пушта шакллантирилади (1в-расм). Натижада эски ариқлар ўрнида ости чуқур юмшатиладиган янги пушталар, эски пушталар ўрнида эса янги эгатлар шаклланади (1г-расм).

Таклиф қилинган технологияни амалга оширадиган агрегатнинг иш жараёни (2-расм) қуйидагича кечади: қия тутқичли чуқур юмшаткич 4 эгат ўнг пуштасининг ён бағирлари ва эгат ўртаси ён томони остини чизиқли чуқур юмшатади, унинг ағдаргичи 6 юмшатиладиган пуштасининг юқори қатламини чап томонга мавжуд ариққа ағдаради, сўнгра қия тутқичли чуқур юмшаткич 5 эгат чап пуштасининг ён бағирлари ва эгат ўртаси ён томони остини чизиқли чуқур юмшатади. Унинг ағдаргичи 7 эса юмшатиладиган пуштасининг юқори қатламини кесиб олиб, ўнг томонга - мавжуд ариққа ағдаради.




1 – расм. Ғўзапоясиз далаларда пушта шакллантириш технологиясини амалга оширилиш жараёнлари схемаси

Қия тутқичга ўрнатилган юмшаткич эски пушта остини юмшатади. Ундан сўнг пушташакллантиргич 8 юмшатишган тупроқларни силжитиб, янги эгат ва пуштани тўлиқ шакллантиради (2-расм). Кейинги янги эгатлар ва пушталар шу тарзда шакллантирилади.

Мавжуд пуштанинг ён бағирлари ва суғориш ариғи остини юмшатиш, пуштанинг юқори қатламини ён томонга ағдариш ҳамда унинг остини юмшатиш жараёнларини амалга ошириш учун ағдаргич ва юмшаткич билан жиҳозланган қия тутқичли чуқурюмшаткич танлаб олинди (3-расм). Ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткичнинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган параметрлари қуйидагилар ҳисобланади: H_y – чуқурюмшаткичнинг баландлиги; $H_{yк}$ – чуқурюмшаткич устунининг қия қисми баландлиги; α_u – искананинг увалаш бурчаги; b_u – искананинг эни; l_u – искана ишчи сиртининг узунлиги; i_u – искана тиғининг ўткирланиш бурчаги; i_y – устунни ўткирланиш бурчаги; i_n – пичоқнинг чархланиш бурчаги; t_y ва b_y – мос ҳолда устуннинг қалинлиги ва эни.

Илгари ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосан чуқурюмшаткич исканаси тиғи i_u ва устуннинг ўткирланиш i_y бурчагини мос равишда 15° ва 30° , искананинг тупроққа кириш бурчагини 20° , устун қалинлиги ва кенглигини мос равишда 0,03 м ва 0,18 м этиб қабул қиламиз.



1 – рама; 2 – осиш қурилмаси; 3 – таянч ғилдирак; 4 ва 5 – қия тутқичли юмшаткичлар; 6 ва 7 – ўнг ва чап ағдаргичлар; 8 – пушташаклантиргичлар


2-расм. Комбинациялашган агрегатнинг конструктив (а) ва иш органларининг ўзаро жойлашиш схемалари (б)

Чуқурюмшаткич исканаси энини искана олдида тупроқ ўсимтаси ҳосил бўлмаслик шартидан В.В.Труфанов томонидан таклиф қилинган қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$b_u \geq \frac{h_{кр}}{\mu}, \quad (1)$$

бунда $h_{кр}$ - чуқурюмшаткичнинг максимал ишлов бериш чуқурлиги, м; μ - искананинг критик ишлов бериш чуқурлигини унинг энига нисбатини ифодалайдиган коэффициент.

(1) ифода бўйича $h_{кр}=30$ см ва $\mu=7,0$ бўлганда искана кенглиги камида 4,29 см бўлиши лозим. Қабул қиламиз $b_u=5$ см.



1 – устун; 2 – искана; 3 – пичок; 4 – бошмоқ; 5 – ағдаргич; 6 – юмшаткич

3-расм. Ағдаргичли чуқурюмшаткичнинг асосий параметрлари

Чуқурюмшаткичнинг исканаси узунлигини унинг ишчи сирти бўйича тупроқни тўсиқларсиз силжиши ва искана таъсири остида етарли даражада

парчаланиши шартларидан қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$l_u \leq \frac{\left\{ \frac{\sigma_{\text{сп}} \sin^2\left(\frac{\pi}{2} + \frac{\alpha_u - \varphi_1 - \varphi_2}{2}\right)}{\rho \sin\left(\frac{\pi}{2} - \frac{\alpha_u + \varphi_1 + \varphi_2}{2}\right)} - \frac{V^2 \sin \alpha_u [\sin\left(\frac{\pi}{2} + \frac{\alpha_u - \varphi_1 - \varphi_2}{2}\right) \text{tg} \varphi_1 - \cos\left(\frac{\pi}{2} + \frac{\alpha_u - \varphi_1 - \varphi_2}{2}\right)]}{g} \right\}}{\sin \alpha_u \sin\left(\frac{\pi}{2} + \frac{\alpha_u - \varphi_1 - \varphi_2}{2}\right) + \sin\left(\frac{\pi}{2} - \frac{\alpha_u + \varphi_1 + \varphi_2}{2}\right) \text{tg} \varphi_1}, \quad (2)$$

бунда $\sigma_{\text{сп}}$ – тупрокни силжишга солиштирма қаршилиги, Па; φ_1 ва φ_2 – тупрокнинг ташқи ва ички ишқаланиш бурчаклари, градус; ρ – тупрокни солиштирма оғирлиги, кг/м³; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; V – агрегат ҳаракат тезлиги, м/с.

(2) ифода бўйича $\alpha_u=20^\circ$; $\sigma_{\text{сп}}=2 \cdot 10^4$ Па; $\varphi_1=30^\circ$; $\varphi_2=40^\circ$; $\rho=1450$ кг/м³ ва $V=2$ м/с бўлганда искана ишчи сиртининг узунлиги $l_u=0,196$ м бўлиши лозим. Уни $l_u=0,2$ м деб қабул қиламиз.

Ағдаргичнинг сифат кўрсаткичлари ва тортишга қаршилигига таъсир кўрсатувчи асосий параметрларига қуйидагилар кирази: H_a ва b_a – ағдаргичнинг баландлиги ва қамраш кенлиги; ε – ағдаргич пастги қирраси тиғининг тупроққа кириш бурчаги. Ағдаргичнинг параметрларини мавжуд пуштанинг ярмини у билан маълум чуқурликда кесиб олиб, мавжуд эгатга ағдариш шартидан аниқлаймиз. Бир қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра мавжуд ва шаклланадиган пушталарнинг кўндаланг кесими рельефини синусоида деб қабул қиламиз (2-расм). Эски эгат ўрнида бу кўринишдаги янги пушта ҳосил қилиш учун эгатнинг чап ва ўнг пушталарининг ҳар бирини ярмидан b_a кенликдаги ва a_a қалинликдаги палахсалар кесиб олиниб ўртага бир-бирига қарама-қарши ағдарилиши лозим. У ҳолда ағдаргичнинг максимал қамраш кенлиги

$$b_{amax} = \frac{B_M}{4} - \frac{t_y}{2}. \quad (3)$$

(3) ифода бўйича пахта даласи қатор оралиғининг кенлиги $B_M=90$ см, қия тутқичли иш органи устунининг қалинлиги 3 см бўлганда $b_{amax}=21$ см ни ташкил этади.

Ағдаргичнинг баландлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$H_{az} = \sqrt{a_a^2 + b_a^2}. \quad (4)$$

(4) ифодага $a=12$ см $b_a=21$ см қўйиб, H_{az} нинг қиймати 23,32 см дан катта бўлиши лозимлигини аниқлаймиз ва $H_{az}=24$ см деб қабул қиламиз.

Чуқурюмшаткичнинг баландлигини қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$H_y = a_n - \frac{H_n - h_{nm}}{2} - a_a + \frac{l_u \sin \alpha_u}{2} + 1,2 \sqrt{a_a^2 + b_a^2}, \quad (5)$$

бунда a_n – янги пуштанинг юқори қисмига нисбатан юмшатиш қатламнинг қалинлиги, м; H_n – янги пуштанинг баландлиги, м; h_{nm} – эски пуштанинг

баландлиги, м. a_a – ағдаргичнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; l_u – искананинг узунлиги, м.

(5) ифода бўйича $a_n=0,45$ м, $h_{nm}=0,15$ м, $a_a=0,12$ м, $b_a=0,21$ м, $l_u=0,2$ м, $\alpha_u=20^\circ$, $H_n=0,26$ м бўлганда чуқурюмшаткичнинг баландлиги 0,72 м дан кичик бўлмаслиги лозим. Қабул қиламиз $H_y=0,72$ м.

Юмшаткичнинг асосий параметрларига қуйидагилар киради: $H_{ю}$ ва $b_{ю}$ – юмшаткични қия тутқичда ўрнатиш баландлиги ва унинг қамраш кенглиги; $\beta_{ю}$ – юмшаткичнинг увалаш бурчаги; $\gamma_{ю}$ – юмшаткич тиғини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги. Юмшаткич тиғини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги $\gamma_{ю}$ ни тупрокнинг тиғ билан сирпаниб кесиш шартидан аниқлаймиз, яъни $\gamma_{ю} \leq (\pi/4 - \varphi_1)/2$. $\varphi_1=30^\circ$ бўлганда $\gamma_{ю}$ бурчак 30° бўлиши лозим. Юмшаткичнинг увалаш бурчаги $\beta_{ю}$ ни 20° қабул қиламиз. Олиб борилган ҳисобларга кўра $H_{ю}=26$ см ва $b_{ю}>10$ см.

Таянч ғилдирак билан ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткич орасидаги бўйлама масофани чуқурюмшаткич исканаси томонидан деформацияланган тупрокни тўсиқсиз силжитиши шартидан аниқлаймиз

$$l_3 \geq l_u \cos \alpha_u + H_{yк} \operatorname{tg} \beta_{\sigma} + \sqrt{R_{\kappa}^2 - (R_{\kappa}^2 - h_{\kappa}^2)} + (a_n - H_n) \operatorname{ctg} \psi_2. \quad (6)$$

(6) ифодага $\alpha_u=20^\circ$, $H_{yк}=0,3$ м, $l_u=0,2$ м, $a_n=0,45$ м, $h_{\kappa}=0,15$ м, $H_n=0,26$ м ва $\psi_2=45^\circ$ қўйиб, таянч ғилдирак билан чуқурюмшаткич орасидаги бўйлама масофа 0,67 м бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Ёнма-ён жойлашган чуқурюмшаткичлар орасидаги бўйлама масофани орқадаги чуқурюмшаткич исканаси билан ишлов берилган тупроқ деформация зонасини олдинги чуқурюмшаткич исканаси билан ишлов берилган тупроқ деформациясига тушмаслиги шартидан аниқлаймиз.

$$L_{\psi} \geq (a_n - H_n + \frac{1}{2} h_n) \operatorname{ctg} \psi_1. \quad (7)$$

(7) ифодага $a_n=0,45$ м, $h_n=0,15$ м, $H_n=0,26$ м ва $\psi_1=40^\circ$ қўйиб, қўшни чуқурюмшаткичлар орасидаги бўйлама масофа камида 0,375 м бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Чуқурюмшаткич исканаси тумшуғидан пуштаолгич тумшуғигача бўлган бўйлама масофани улар томонидан деформацияланган тупроқ зоналарини бири-бирига тушмаслиги шартидан аниқлаймиз

$$L_{\psi_{ю}} \geq l_u \cos \alpha_u + H_{yк} \operatorname{tg} \beta_{\sigma} + b_a \operatorname{ctg} \gamma_a + a_n \operatorname{ctg} \psi. \quad (8)$$

(8) ифодага $l_u=0,2$ м, $\alpha_u=20^\circ$, $H_{yк}=0,3$ м, $b_a=0,21$ м, $\gamma=40^\circ$, $\psi=45^\circ$ қўйиб чуқурюмшаткич исканасидан пушта олгич тумшуғигача бўлган бўйлама масофа камида 0,63 м бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Комбинациялашган агрегатнинг умумий тортишга қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$\begin{aligned}
P = & fG + 8\sigma_0 \delta b_u + \frac{4qb_u t_u^2 \sin(\alpha_u + i_u) \sin(\alpha_\delta + i_u + \varphi)}{\sin^2 i_u \cos \varphi} + \frac{4\tau a}{\sin \psi_1} \times \\
& \times (b_u + K_n \frac{\text{actg } \psi_2}{\sin \psi_1}) [\cos \psi_1 + f \sin(\alpha_u + \psi_1) \cos \alpha_u] + \\
& + 4\gamma a [b_u V^2 \sin \alpha_u \text{tg}(\alpha_u + \varphi) + gl_u (b_u + \text{actg } \psi_2) (\frac{1}{2} \sin \alpha_u + \\
& + f \cos^2 \alpha_u)] (1 + \frac{W}{100}) + 4\tau [\frac{a}{\sin \psi_1} (b_u + K_n \frac{\text{actg } \psi_2}{\sin \psi_1}) - \\
& - K_n \frac{(2a - M \text{tg } \psi_2 + b_u \text{tg } \psi_2)^2}{8 \sin^2 \psi_1} \text{ctg } \psi_2] \times \\
& \times [\cos \psi_1 + f \sin(\alpha_u + \psi_1) \cos \alpha_u] + 4\gamma \{ ab_u V^2 \sin \alpha_u \text{tg}(\alpha_u + \varphi) + \\
& + gl_u [b_u a + a^2 \text{ctg } \psi_2 - \frac{1}{8} (2a - M \text{tg } \psi_2 + \\
& + b_u \text{tg } \psi_2)^2 \text{ctg } \psi_2] (\frac{1}{2} \sin 2\alpha_u + f \cos^2 \alpha_u) \} (1 + \frac{W}{100}) + \frac{8\sigma_0 \delta H_{\text{yc}}}{\cos^2 \beta_\delta} + \\
& + \frac{4qH_{\text{yc}} t_n^2 \sin(\varepsilon_n + i_n) \sin(\varepsilon_n + i_n + \varphi)}{\sin^2 i_n \cos \varphi} + \\
& + 8p_n b_n H_{\text{yc}} \sin(\varepsilon_n + \varphi) / \cos i_n \cos \varphi + \frac{8p_\varepsilon b_c (H_{\text{yc}} - t_m n_m) \text{tg } \varphi}{\cos \beta_\kappa} + \\
& + 8\sigma_0 \delta H_{\text{ym}} + 4qt_y^2 H_{\text{ym}} (\text{tg } \varphi \text{ctg } i_y + 1) + 8b_a (\frac{4a_a - 3h_{nm}}{4})(K_1 + \varepsilon_1 V^2) + 8kb_{\text{ю}} + \\
& + \frac{2B}{\pi} \frac{M}{n} (K_2 + \varepsilon_2 V^2) + 2\mu_\kappa Q_Z,
\end{aligned}$$

бунда G_κ – агрегатнинг оғирлиги, Н; f_a – агрегатнинг очик эгатда ҳаракатланишига қаршилик коэффиценти; σ_0 – искана тиғи билан тупроқни эзишга солиштирма қаршилиги, Па; δ – искана тиғининг қалинлиги, м; f – ишқаланиш коэффиценти; τ – тупроқни силжишга солиштирма қаршилиги, Па; p_n ва p_ε – мос ҳолда устуннинг тик ва қия қисмлари ён томонига тупроқнинг солиштирма босимлари, Па; K_n – силжитиладиган палахсанинг юқори қиррасини синишини ҳисобга оладиган коэффицент; ε_1 ва ε_2 – ағдаргич ва пуштаолгичнинг тортишга қаршиликларига тезликнинг таъсирини ҳисобга оладиган коэффицентлар, $\text{Hc}^2/\text{м}^4$; K_1 ва K_2 – тупроқнинг юмшаткич ва пуштаолгичга кўрсатадиган солиштирма қаршиликлари, Па; M – ён исканалар орасидаги кўндаланг масофа, м; μ_κ – агрегат таянч ғилдирақларининг думалаш коэффиценти; Q_Z – таянч ғилдирақларга тушадиган тик юкланиш, Н.

$f_a=0,5774$, $G=6800$ Н, $\sigma=2 \cdot 10^6$ Па, $\delta=0,001$, $\tau=2 \cdot 10^6$ Па, $b_u=0,05$ м, $q=1 \cdot 10^6$ Па, $t_y=0,03$ м, $\alpha_u=20^\circ$, $i_u=50^\circ$, $\varphi=30^\circ$, $\psi_1=40^\circ$, $\psi_2=45^\circ$, $\beta_\kappa=45^\circ$, $\beta_\delta=18^\circ$, $K_n=0,5$, $\gamma=1410$ кг/м³, $g=9.8$ м/с², $l_u=0,2$ м, $a=0,3$ м, $W=15,1\%$, $K_1=0,65 \cdot 10^5$ Па, $M=0,15$ м, $H_{\text{чю}}=0,3$ м, $t_n=0,05$, $\varepsilon_n=30^\circ$,

$i_n=25^\circ$, $p_n=5 \cdot 10^3$, $b_n=0,1$ м, $t_m=0,03$ м, $p_{\bar{\epsilon}}=0,427 \cdot 10^3$, $b_c=0,15$ м, $n_m=0,03$, $b_a=0,21$ м, $H_n=0,26$ м, $h_n=0,15$ м, $\epsilon_1=1500$ Н с²/м⁴, $b_{ю}=0,1$ м, $k=1200$ Па, $\mu_k=0,2$, $B_m=90$ см, $K_2=45 \cdot 10^3$ Па, $\epsilon_2=20 \cdot 10^2$ Н с²/м⁴, $Q_Z=2800$ Н деб қабул қилинганда, (9) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 7-9 км/соат ҳаракат тезлигидаги агрегатнинг тортишга қаршилиги 28,5-29,3 кН оралигида бўлишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Ўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлайдиган агрегат иш органлари параметрларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида ишлаб чиқилган агрегат иш органларнинг конструкцияси ва уларни ўзаро жойлаштириш схемаси, ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткичларнинг рамада жойлашиш схемаси ва улар орасидаги бўйлама масофа, ағдаргич қанотининг узунлиги ва қамраш кенлиги, юмшаткичнинг қамраш кенлиги, увалаш бурчаги ва унинг тиғини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда қия тутқичли ишчи органларнинг конструкцияси ва уларни ўзаро жойлаштириш схемаси, қатор ораларига ишлов берувчи ва пушта шакллантирувчи иш органларнинг тури ва уларни ўзаро жойлашиш схемаси, ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткичлар орасидаги бўйлама масофа, юмшаткичлар сони ва қамраш кенлиги ҳамда иш тезлигини уларнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсири ўрганилди, иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, юмшаткичнинг қамраш кенлиги, увалаш бурчаги, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагини ҳамда иш тезлигини уларнинг тортишга қаршилиги ва тупроқнинг уваланиш сифатига таъсири кўп омилли тажрибалар асосида ўрганилди.

Қия тутқичли иш органларнинг конструкцияси ва уларни ўзаро жойлашиш схемасини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш учун иш органларнинг тўрт хил вариантдаги тажриба нусхалари ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари шунини кўрсатдики, 7-9 км/соат иш тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида тупроқнинг уваланишини таъминлаши учун бир-бирига нисбатан силжитиб ишчи сиртлари қарама-қарши жойлаштирилган қия тутқичли ишчи органларни агрегатда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Қатор ораларига ишлов берувчи ва пушта шакллантирувчи иш органларнинг тури ва уларни ўзаро жойлашиш схемасини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш учун уч хил вариантдаги ҳар хил таркибдаги иш органлардан иборат қурилма тайёрланди. Тадқиқотлар натижаларига кўра ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткичлар ва пуштаолгичлардан иборат қурилма кам энергия сарфлаган ҳолда талаб қилинган баландликдаги пуштани шакллантиради.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, агрегат 7-9 км/соат иш тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида иш сифатини таъминлаши учун чуқурюмшаткич ағдаргичи

қанотининг узунлиги 0,47-0,49 м, юмшаткичининг қамраш кенглиги 0,1-0,14 м оралиғида, ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшатгичлар орасидаги бўйлама масофа 0,375 м бўлиши лозимлиги аниқланди.

Кўп омилли экспериментлар Хартли-4 режаси бўйича ўтказилди. Баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг уваланиш даражаси (Y_1 , %), яъни ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар улуши ҳамда қурилманинг тортишга қаршилиги (Y_2 , кН) қабул қилинди.

Тажрибалардан олинган маълумотларга “PLANEX” дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен мезонидан, регрессия коэффициентлари қийматини баҳолашда Стьюдент мезонидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер мезонидан фойдаланилди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодалайдиган қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (Φ , %)

$$Y_1 = +86,442 + 3,571X_1 + 1,497X_2 - 1,292X_3 + 2,358X_4 - 4,452X_1^2 + 0,493X_1X_2 + 0,490X_1X_3 - 0,490X_1X_4 - 5,209X_2^2 + 0,612X_2X_3 - 0,613X_2X_4 - 3,910X_3^2 - 0,613X_3X_4 - 1,794X_4^2 \quad (10)$$

- қурилманинг тортишга қаршилиги бўйича (R , кН)

$$Y_2 = +8,276 + 0,252X_1 + 0,338X_2 + 0,078X_3 + 0,338X_4 + 0,050X_1^2 + 0,047X_1X_2 + 0,048X_1X_3 - 0,047X_1X_4 + 0,197X_2^2 + 0,087X_3^2 + 0,190X_4^2 \quad (11)$$

Мазкур регрессия тенгламаларининг таҳлилидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатади. Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (10) ва (11) регрессия тенгламалари MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди. Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда, Φ мезон, яъни ўлчами 50 мм дан кичик фракциялар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги ҳамда R мезон, яъни қурилманинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартлари қабул қилинди.

Кўп омилли экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, агрегат 7-9 км/соат иш тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа талаб даражасида иш сифатини таъминлаши учун юмшаткич қамраш кенглиги 10,5-11,03 см оралиғида увалаш бурчаги 27° , ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги 31° бўлиши аниқланди. Олинган бу натижалар назарий тадқиқотлар натижаларига мос келади.

Диссертациянинг «**Комбинациялашган агрегатнинг тажриба нусхаси синовларининг натижалари ва иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида тупроқни чигит экишга тайёрлайдиган агрегат тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовларининг натижалари ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовлар натижалари ишлаб чиқилган агрегатнинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажариши ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлишини кўрсатди.

Ишлаб чиқилган ғўзапоясиз далаларни чигит экишга тайёрлайдиган агрегатнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, агрегат қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 36,62 фоизга камаяди. Бунда битта агрегатдан 41710619 сўм йиллик иқтисодий самарага эришилади.

ХУЛОСА

«Пахта далаларини пуштага экиш учун тайёрлаш технологияси ва агрегатини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган таҳлиллар экинларни пуштага экиш учун тупроқни тайёрлашда қўлланиладиган мавжуд машина, қуроллар ва улар ишчи органларининг конструктив хусусиятлари асосида пуштага экиш учун ғўзапоясиз далаларни бир ўтишда тайёрлайдиган агрегат конструкциясини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

2. Ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлашнинг янги энергия ресурстежамкор технологияси мавжуд эгат остини чуқур юмшатиш билан бир вақтда унинг чап ва ўнг пушталари ён бағирлари тупроқларини юмшатиш ҳамда уларнинг юқори қатламини эгат ўртасига ағдариш ва пастги қатламини эса силжитиб улар ўрнида янги эгатлар шакллантириш имкониятларини яратади. Пуштага экиш учун тупроқни тайёрлаш технологиясига уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни қўллаб эришиш мумкин.

3. Комбинациялашган агрегатнинг энг мақбул конструктив схемаси чап ва ўнгга ағдарувчи ағдаргичлар ва юмшаткичлар билан жиҳозланган қия тутқичли чуқурюмшатгичлар ва пуштаолгичдан иборат схема ҳисобланади.

4. Ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижалари бўйича тупроқни кам энергия сарфлаган ҳолда ғўзапоясиз далаларда талаб даражасидаги эски эгатлар ўрнида янги пушталар шакллантиришни таъминлаш учун ағдаргичлар ва юмшатгичлар билан жиҳозланган қия тутқичли чуқурюмшаткичларнинг ишчи сиртлари бир-бирига қаратилган ҳамда бўйлама текисликда бир-бирига нисбатан силжитилган бўлиши лозим.

5. Минимал энергия сарфлаб талаб даражасидаги пушталар шакллантиришни таъминлаш учун чуқурюмшаткичлар исканасининг кенглиги ва узунлиги мос равишда 5 см ва 20 см, ағдаргичлар қамраш кенглиги 21 см, унинг қанотининг узунлиги 47-49 см, чуқурюмшатгичлар орасидаги минимал бўйлама масофа 35 см бўлиши лозим.

6. Кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида тупроқни юмшатиш учун юмшаткич қамраш кенглиги 10,5-11,03 см оралиғида, увалаш бурчаги 27°, ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 31° бўлиши лозим.

7. Таклиф қилинган ғўзапоясиз далаларни пуштали экишга тайёрлайдиган агрегатни қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан ерга ишлов бериш учун сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатларни 36,62 % га камайтиради ва агрегатдан фойдаланишдаги йиллик самара 41710619 сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТОШТЕМИРОВ САНЖАР ЖУМАНИЯЗОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ И АГРЕГАТА ДЛЯ ПОДГОТОВКИ
ХЛОПКОВЫХ ПОЛЕЙ К ПОСЕВУ НА ГРЕБНЯХ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

КАРШИ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/Т617.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу: www.qmii.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель:	Маматов Фармон Муртозевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Худаяров Бердирасул Мирзаевич доктор технических наук, профессор
	Абдурахмонов Урал Нурматович кандидат технических наук
Ведущая организация:	АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится «23» Октябрь 2020 г. В 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.:221-09-23, факс. 224-13-95, E-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 1). Адрес: 180100, г. Карши, ул Мустакиллик, 225. Тел.:221-09-23, факс. 224-13-95, E-mail: qmii@qmii.uz, kiei_info@edu.uz

Автореферат диссертации разослан «9» Октябрь 2020 года.

(Протокол рассылки № 1 «9» Октябрь 2020 года).



И.Т.Эргашев
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чуянов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает разработка и применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для обработки почвы и подготовки её к посеву. «Если учесть, что в мировом масштабе площадь земель для посева сельскохозяйственных культур на гребнях составляет 120 млн гектаров»¹, то важной задачей считается разработка энерго-ресурсосберегающих технологий и машин с высоким качеством работы и производительности для подготовки почвы к посеву на гребнях. Вместе с этим большое внимание уделяется разработкам и применению комбинированных машин, выполняющих все технологические процессы обработки почвы и подготовки ее к посеву на гребнях за один проход по полю.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий подготовки полей к посеву на гребнях. В том числе, в этом направлении актуальным является проведение целенаправленных научных исследований по разработке комбинированной машины для подготовки полей с убранными стеблями хлопчатника к посеву семян на гребнях и обоснование технологического процесса работы её рабочих органов, обеспечение ресурсосбережения в процессах взаимодействия с почвой. В этом аспекте разработка высокоманевренного навесного комбинированного агрегата с глубокорыхлителями наклонной стойкой, оборудованными лево - и правообарачивающими отвалами и гребнеделателями, установленными последовательно, является востребованной.

В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии ресурсов, возделыванию сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработке высокопроизводительных сельскохозяйственных машин, в частности, особое внимание уделяется разработкам технических средств, обеспечивающих качественное выполнение всех технологических процессов для подготовки полей к посеву семян хлопчатника на гребнях при минимальных затратах энергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства в частности, «...для модернизации и интенсивного развития дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо и ресурсосберегающих агротехнологий, широкое использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач важным является получение высоких урожаев хлопчатника и снижение их себестоимости за счет технической и технологической

¹ <http://www.nrcs.usda.gov>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан».

модернизации машин для качественной обработки почвы к посеву семян хлопчатника и формирования гребней.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Исследованиями по созданию и применению машин для обработки и подготовки почвы к посеву на гребнях, изучением их показателей работы и обоснованием параметров, а также изучением процессов взаимодействия рабочих органов с почвой за рубежом занимались М.Hanna, D.Buhler, L.M.Duzy, A.J.Price, K.S.Balkcom, T.S. Kornecki (АҚШ), A.Giardini, F.Cinti, G.Stefanelli (Италия), J.Babik, J.M.Borin, L.Sartori (Польша), U.Krause, Heinz-Josef (Германия), Y.Lin, H.Hui (Хитой), В.И.Курдюмов, Е.С.Зыкин, И.А.Шаронов, А.Калинин, А.К.Поперекин, А.Г.Габдуллин, Р.Д.Джавадов, А.Г.Понамарев, Н.С.Кабаков, (Россия), А.А.Вильде (Латвия) и другие.

В этом направлении в нашей республике проводили исследования Г.М.Рудаков, Р.И.Байметов, А.Тўхтақўзиев, Н.А.Куламетов, Т.С.Худойбердиев, Ф.М.Маматов, Б.М.Худаяров, А.Н. Худоёров, А.Х.Ражабов, М.Х.Мамадалиев и другие.

Технологии и комбинированные машины, созданные в результате этих исследований используются в сельскохозяйственном производстве с определенными положительными результатами. Однако, в этих исследованиях недостаточно изучены вопросы обоснования параметров рабочих органов агрегата для обработки и формирования гребней на полях без стеблей хлопчатника, обеспечивающих высокое качество работы при минимальных затратах энергии.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Каршинского инженерно-экономического института по проекту ИТД-3-23 “Разработка энерго-ресурсосберегающей технологии и комбинированного агрегата для подготовки почвы к посеву сельскохозяйственных культур на гребнях” (2012-2014).

Целью исследования является разработка агрегата для обработки почвы с одновременным формированием гребней, обеспечивающих повышение качества подготовки полей без стеблей хлопчатника к посеву на гребнях и энерго-ресурсосбережение.

Задачи исследования:

поиск и анализ существующих технологий подготовки почвы к гребневому посеву и путей повышения агротехнических показателей работы и производительности технических средств и снижение материалоемкости и на их основе разработка усовершенствованной технологии формирования гребней на полях без стеблей хлопчатника;

